

Касб баёни (1-қисм)



18:06 / 18.09.2017 4614

Ризқ талаб қилишга чақирилган биринчи киши

Ризқ талаб қилиш масаласига келсак, унга биринчи чақирилган ва унинг учун тадбири кўрилган киши Одам алайҳиссаломдир, чунки аввал у жаннатга киритилганида, иблисдан огоҳлантирилди. Кейин унга жаннатда тўрт нарса берилди ва дейилди:

«Эй Одам, албатта, бу сенга ва жуфтингга душмандир. Яна у икковингизни жаннатдан чиқариб, бадбахт бўлиб қолмагин. Албатта, сен у ерда оч-яланғоч қолмассан. Албатта, сен у ерда ташна ҳам бўлмассан, иссиқда ҳам қолмассан»[\[1\]](#).

Унга жаннатда ушбу тўрт нарса – таом, ичимлик, кийим ва маскан берилди ва уларнинг таъминотидан озод қилинди. Унга: **«Яна у икковингизни**

жаннатдан чиқариб, бадбахт бўлиб қолмагин», дейилди. Яъни «Мазкур тўрт нарсани топаман деб уриниб, чарчамагин».

Бунда фақатгина бадан чарчоғи кўзланган.

Хотиннинг нафақаси эрга вожиблиги

Мана шуни хотиннинг нафақаси эрга вожиблигига далил қиламиз. Нафақа юқорида зикр қилинган тўрт нарсдан иборатдир. У Зот иблисдан бўладиган адоватни, шунингдек, жаннатдан чиқарилишни икковларига нисбат берди. Ризқ талаб қилишдаги машаққатни эса Одам алайҳиссаломга нисбат берди.

Машаққатнинг ёлғиз Одам алайҳиссаломга нисбат берилиши нафақа эрга вожиблигига далолат қилади. Сўнг Китоб (Қуръон) ҳам ушбу умматнинг шариатида нафақа эрларга вожиб эканини таъкидлади.

Ким роббига итоатлироқ бўлса, ризқи осонроқ бўлади

Жаннатдан чиқарилгач, Одам мазкур машаққатга мубтало бўлди. Унинг зурриёти ҳам ҳаёт давомида ўша нарса сабабли машаққат чекадиган бўлди.

Одам алайҳиссаломнинг зурриётидан қай бир киши ўз Робби аzza ва жаллага итоатлироқ ва бўйсунувчироқ бўлса, ризқ таъминоти унинг учун осон бўлади. Зотан, Одам алайҳиссалом ҳам ризқ талаб қилишга тоатни тарк қилганидан кейингина мубтало бўлди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Сарахс аҳли сўраган масалалар китобидан)

[\[1\]](#) Тоҳо сураси, 117–119-оятлар.